

Дин ва халқ хизматида фаол бўлиш катта саодат



14:32 / 09.10.2023 1731

Бугун, 9 октябрь куни Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий Нуриддин Холиқназар ҳазратлари раислигида Андижон вилоятида фаолият юритаётган имом-хатибларнинг мажлиси бўлиб ўтди.

Йиғилиш Қуръони Карим тиловати ва хайрли дуолар билан бошланди.

Муфтий шайх Нуриддин домла Холиқназар ҳазратлари тараққиётимизнинг янги даврида диний соҳада жуда катта ислохотлар амалга оширилаётгани, ўз навбатида имомлик шарафли мақом бўлиши билан бирга ўта нозик ва масъулиятли вазифа экани, ҳар бир имом бу ҳақиқатни бир зум бўлса-да

эсидан чиқармасдан, жамиятнинг энг намунали ва энг олди кишиларидан эканини чуқур англаш кабиларни баён этдилар.





